

Сув омбори тавсифи ва асосий параметрлари

Андижон сув омбори Андижон вилоятининг Хонобад шаҳридан 10 км узоқлиқда жойлашган бўлиб, сув омбори ўзанли сув омборлари тоифасига мансубдир. Сув омбори Қорадарё, Ясси ва Қўршаб дарёлари орқали тўлдирилади ва сув омбори Қорадарё дарёсининг ўзанида жойлашган. Сув омбори гидротехник иншоотларининг синфи I - синфа мансуб.

- Сув омбори оқимининг бошқарилуви мавсумийдир (режакда кўп йиллик). Сув омбори суғориш ва электр энергия ишлаб чиқариш учун қурилган. Сув омбори лойиҳа бўйича 458 минг гектар янги суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш кўзда тутилган. Сув омборининг лойиҳаси ва ҚМК бўйича зилзила бардошлиги 9 баллга тенг деб кўрсатилган.
- Илк бор сув омбори 1978 йили тўлдирилган ва меъёрий димланган сатҳ (МДС) га 1983 йилда етган. Сув омборини доимий фойдаланишга 1984 йили қабул қилинган бўлса, сув омбордаги қурилиш ишлари 1963 йилдан 1984 йилларгача давом этган. Сув омборини қуриш лойиҳаси "Узипромелводхоз" ("Средазгипроводхлопок") институти томонидан ишлаб чиқилган.

Сув омборининг асосий кўрсатгичлари:

Сув омборини лойиҳавий ҳажмлари:

- тўла ҳажми – 1900,0 млн.м³:
 - фойдали ҳажми – 1750,0 млн.м³:
 - ўлик ҳажми – 150,0 млн.м³:
- Сув омборининг сув сатҳи белгилари:
- меъёрий димланган сатҳда – 906,0 м:
 - ўлик сув сатҳида – 846,0 м:
- Сув омборини меъёрий димланган сатҳдаги узунлиги – 14,0 км:
- Сув омборини меъёрий димланган сатҳдаги максимал эни – 4,0 км:
- Сув омборини меъёрий димланган сатҳдаги чукурликлари:
- максимал чукурлик – 98,5 м:
 - ўртacha чукурлик – 31,2 м:
- Сув омборининг юзаси:
- меъёрий димланган сатҳда – 56,0 км²:
 - ўлик сув сатҳида – 10,8 км²:
- Сув омборини меъёрий димланган сатҳдаги қирғоқ узунлиги – 65,0 км: